

Қувонч ўткинчи, Мустақиллик абадий!



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1999 йил 11 август чоршанба
Сотувда эркин нархда
№ 157 (2193)


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ШАҲАРЛАР ОДАМЛАР УЧУН ҚУРИЛАДИ


Хар бир миллат, ҳар бир мамлакат ўз тарихида турли даврларни — фан, маданият, иқтисодиётда юксак тараққиётга эришилган ва аксинча, таназзулга юз тутган даврларни бошидан кечирган. Икки асим дарё оралиғидagi макон — қадимий ўзбеклар юрти ҳам бундан истисно эмас. Бор-йўғи 8 йил муқаддам Мустақил юрт сифатида жаҳон майдонига қайта кириб келган Ўзбекистонимиз бугун том маънода ўзининг тараққиёт ва юксалдиш йўлини босиб ўтмоқда.



Мустақиллик



мўъжизалари



Қўриқ Сирдарё вилоятининг маркази — Гулистон шаҳрида бўлганимизда, таниқли тарихчи олимларимиздан бирининг «Мустақиллик хар қандай давлатнинг тароққиёти учун энг яхши асос эканлигини исботлашга зарурийат йўқ», деган гапларини эсладим. Сабаби — Гулистонда икки-уч йил бўлмаган одам бутун бу шаҳарни таниб-билдириб қолганини аниқ гапларимиз заррача лоф йўқ. Яқиндагина мамлакатнинг энг қолоқ жойларидан бири бўлган бу масканда ҳайратомуз ўзгаришларни кўриб, мўъжизага рўбарў келгандай бўлдим...

Қанча меҳнат, қанча маблағ, қанчадан-қанча уйқусиз тунар эвазига қайта бунёд этилган Гулистон шаҳри ҳокими Қосимхон Акбаровни котиба Гулнораҳоннинг айтишича, кўндалари идорадан топши ари-маҳол экан. Сабаби аён: мўъжиза давом этапти.

Шаҳар қурилиши бир зум бўлса-да, тўхтагани йўқ. — Кутдириб қўйганим учун, уэр, 4-микрорайондан келаман, — деди Қосимхон ака омонлашар экан. — Мустақиллик кунига ишга туширилган иншоотларимиз анчагина. Кунда бир бормасам, кўнглим жойига тушмайди. Едингизда бўлса, бундан

роса икки ярим йил муқаддам халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлган. Ушанда Юрбошимиз бизни жуда уялтирдилар. Гулистон деган шаҳарда яшаймиш, деб ўзимизни ўзимиз овутириб юрган эканмиз. Сессиядан сўнг вилоят ҳокимлигига янги сайланган ўқтам Исмоилов қатъий шарт қўйдилар: Гулистонни ё ҳақиқий Гулистонга айлантирамиз, ё бўлмаса, бугунгидай бошимизни ҳам қилиб юрверамиз. Бошқа йўл йўқ! Халқимиз — жуда ориятли халқ. Сессияда айтилган гаплардан ўша кунёқ тегишли хулоса чиқариб олдик. «Билдиб қўйинлар, шаҳарлар одамлар учун қурилади. Шундай бир иш қилинларки, келажак авлод сизларни ҳамша алқаб юрсин», дегандилар ўшанда Юрбошимиз. Шу боис ишни шунчаки таъмирлаш эмас, балки бутунлай қайта қуришдан бошладик.

Бугун шаҳар ҳокими хотиржам гапириб бераётган воқеалар, амалга оширилган ишлар ўз-ўзидан юзага келмаганини тасаввур этиш қийин эмас. Унинг суҳбатини тинглаб ўтирар эканман, беихтиёр бундан анча йил илгари кўриқ вилоятда муҳбир бўлиб ишлаган кезларимни эсладим. Хар ҳафта Тошкентдан Гулистонга қатнардим. Ва хар сафар автобус Катта ўзбек трактдан Сирдарё вилояти ҳудудига бурилган, атрофдаги манзарани кўриб, дилим хуфтон бўларди. Чунки «Чехра» (чегарадаги ошхона)дан Гулистонгача бўлган масофадаги йўлни икки четини қамишу шуволар босиб ётарди. Бошқа вилоятлардаги каби йўлларнинг икки четини айнаб турган дараклар гуллар ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Уша пайтдаги баъзи раҳбарларга бу ҳақда айтганимда, «Бариб фойдаси йўқ, гулни гапирасиз, қора шўдра гиёҳ битмайди-ю», дея «соддалик»га ҳайрон бўлишарди.

Хўш, энди-чи? Қилса бўлар экан-ку, дейман кенг ва равон йўлдан атрофини қузатиб борарканман. Йўлнинг икки четини чиройли қилиб оқландан деворлар, бўялган дарвозалар, гуллар, даракларни кўриб, кўз қувнайди. Аввалги манзаранинг бутунлай акси. Ҳатто бир пайтлар ўзим ҳавас қилган бошқа вилоятдагилар ўрнак олма азигулики ишлар бўлибди. Гулистонни кўзавиниб, шаҳарга бораверишдаги боозлар, чойхоналар, кемпинглар, меҳмонхоналар. Ва буларнинг ҳаммаси пойтахтдан сира қолишмайдиган даражада дил билан қурилан.

Вилоят марказига кираверишдаги хизмат кўрсатиш мажмуи эса ўзига хослиги билан ажралиб турибди. Катта ва шашаматли улгуржи савдо бозори, уч юздунли меҳмонхона, шарқона услубдаги гузал чойхона, шу ернинг ўзига хорижлик меҳмонлар бемалол савдо-сотиғини амалга ошириши мумкин бўлган биржа маркази, дунёнинг истаган мамлакатини билан бир зумда боғлайдиган уяли телефон тармоғи... Хуллас, шаҳарга кириб боргунча санайверсангиз, бири-бирдан гузал иморатлар хизмат кўрсатиш иншоотларига дуч келаверасиз.

— Шаҳардаги эскириб, захлаб кетган 1000 дан зиёд бир қаватли уйлар қузиб ташланди, — дейди Қосимхон Акбаров. — Шунинг баробарида кетма-кет замонавий турар жой биноларини қуриб бордик. Ушанда озроқ норози бўлганлар бугун ҳамма қулайликларга эга замонавий уйларда ҳузур қилиб яшашпти. Ёшларимизга-ку, тоза ҳудо бериб қолди. Спортнинг 20 тури билан шугулланиш мумкин бўлган теннис корти, сузиш ҳавзаси, бокс саройида бугун минглаб йигит-қизларимизни учратасиз. Яқинда бокс саройидаги ишлар билан қизиқиб кўрдим. Бир йил муқаддам жаҳонга машҳур боксчимиз Артур Гри-

горян унинг очилиши маросимида қатнашган бу ишютада шуғулланаётган йигитларимиз сони минг нафардан ошиб кетибди.

Авваллари гулистонликлар ёнинг иссиқ кунлари кичкинагина истирोҳат боғига сиймай қолардилар. Бугун олти жойда сайилгоҳ ишлаб турибди. Улардаги шароит, айниқса, фаввораларни айтмайсиз-ми? Шаҳарликлар бор-йўғи 2 йил аввал бир варақайга 16 та фаввора биллур сув сочиб, одамлар баҳридлини очиб туриши мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмасдилар.

Фақат уй-жой, маданиятнинг бинолар қуриш билан қифолланганимиз йўқ. Кейинги йилда шаҳримизда хорижлик ҳамкорлар иштирокида ўн та қўшма корхона ишга туширилди. Кичик ва ўрта бизнесга алоҳида эътибор бердик. Ҳозир ишлари юришиб турган тадбиркорлар 400 нафардан зиёд. Шу боис шаҳримизда ишсизлар йўқ ҳисоби...

Ҳокимиятдан чиққанимизда, аллақачон қоронғи тушган, аммо шаҳарнинг бош майдони танга тушса топгудек даражада ёп-ёруғ эди. Кўчалар худди пойтахтдаги каби гавжум. Одамлар кўп. Айниқса, Мустақиллик кўчасининг икки четини шарқона услубда қурилган қатор ҳусусий дўконлар харидорлар билан тўла. Савдо қизғин бўлаётгани, лемак, бу яхши ҳаётдан, фаровонликдан ниҳонча. Демак, одамларимиз Мустақиллик неъматларидан баҳраманд бўлаётганлар...

«Шаҳарлар одамлар учун қурилади». Қисқа ва лўнда қилиб айтилган бу қалом бутун обод ва файзли Гулистон тимсолида ўзининг бор мазмун ва моҳиятини кўз-кўз қилиб, ўз тасдиғини топиб турибди.

Темур Абдураҳмонов, «Халқ сўзи» муҳбири. СУРАТЛАРДА: шаҳар қурилишидан лавалар.

ИСТИҚЛОЛ ҲОЯЛАРИГА СОДИҚЛИК

Гулистондаги янги муҳташам томошагоҳда бўлиб ўтган вилоят ёшлари форуми мамлакатимизнинг келажига ишонч, истиқлол берган буюк неъматларга садоқат руҳида ўтди. «Биз Президентимиз фарзандларимиз» шиори остида ўтган бу анжуманда «Элим деб, юртим деб, Президентим деб ёниб яшайлик» деган сўзлар такрор-такрор жаранглаб турди. Форумда юртим деган элини, элим деган одам истиқлол ғояларининг илҳомчиси ва халқимизни ташаббускори билан бўлаб бораётган Гулистон давомчиси сифатида улуғвор бунёдкорлар сафларига қўшилиш ўзбекистонлик хар бир ёш учун юксак бурчи ва фахр эканлиғи таъкидланди.

Ёшлар анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев сўзга чиқди. Тадбирда вилоят ҳокими У.Исмоилов қатнашди.

А.ДУШАЕВ, ЎзА муҳбири.

СПОРТЧИЛАР ВА УЛАРНИНГ УСТОЗЛАРИГА МУКОФОТЛАР

Тошкентдаги Олимпия шон-шўхрати музейида сўнгги йилларда йирик халқаро мусобагаларда катта ютуқларга эришган Ўзбекистон каратэчиларини мукофотлаш маросими бўлди. Ўзбекистон спортчилари кўни кеча Германиянинг Эрдинг шаҳридан олтин олтин, битта кумуш ва олтин бронза медал билан қайтиб келишди. Бу мукофотларни саккиз ёшдан ўн беш ёшгача спортчилар орасида каратэ бўйича жаҳон кубоғи учун бўлиб ўтган мусобақада спортчиларимизга қўлга киритдилар.

Спортчиларнинг устозлари — Ўзбекистон Каратэ миллий федерациясининг президенти Нурхон Нафасов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози» унвонига, Бекобод шаҳри каратэ федерациясининг пре-

зидентини Абдумўмин Абдумавлонов 2-даражали «Соғлом авлод учун» орденига сазовор бўлди. Германиядан медаллар билан қайтган ёш каратэчиларга Ўзбекистон Президентининг совғалари — ранги телевизор ва пичмак таъшиқиди. Жисмоний тарбия ва спортга болааларни жалб этишга, Ўзбекистонда каратэни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган спорт устозлари, ҳақамалар, шунингдек, ота-оналар гуруҳига ҳам Ўзбекистон Пре-

зидентининг совғалари топширилди. Мамлакатимиз Президентини менивг халқаро турнирдаги қалабамни юқори баҳолардан ҳазинга куни мен учун энг бахтли кундир, — деди Германияда каратэ бўйича жаҳон кубоғи мусобақасида олтин медални қўлга киритган Отбек Қосимов. — Хар қандай мусобақадан медаллар билан қайтиш учун дўстларим билан биргаликда ҳимма ишви қилганим, деб ятди берганим.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА МАКТУБ

Жаҳон ҳамжамияти Тошкент декларациясида ўз аксини топган келишувларни афгон муаммоси ечимининг асоси деб ҳисоблаган ҳолда, «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашуви натижаларига катта эътибор бериб келмоқда.

Шу хусусда Ўзбекистон Республикаси Президентига АҚШ Давлат котиби ёрдамчиси Карл Индерфурнинг куйидаги мактуби ҳам келди:

«Биз илгари одимлаш учун учрашув берган бирор имкониятни қўлдан чиқармаслигиниз керак. Биз ўтган ҳафта эришилган ютуқлардан самарали фойдаланиш йўлларини ишламоқдамиз.

Шу муносабат билан таъкидламоқчиманки, Сиз билан ҳамкорликда ишлаганимдан гоят мамнунман. Биз яқин иттифоқчиларимиз билан бир хилда қабул қилдиган масала юзасидан оддий, норасмий муносабат ўрнатдик. Бу бизнинг Афғонистон масаласи бўйича саяё-ҳаракатларимизга ёрдам берди. Сизни шундан ҳам бохабар қилишни истардимки, ҳамкорликдаги саяё-ҳаракатларимиз Вашингтонда катта ижобий баҳога сазовор бўлди.

Алоҳида учрашувимиз чоғида Сиз билан очик, рўйроқ ва жиддий тарзда фикр алмашиб имконияти насиб этганидан беҳад мамнун бўлдим».

(ЎзА)

Олий Мажлис сессияси олдида

Парламентимизнинг 5 йиллик фаолияти депутатларда қандай таассурот қолдириди? Депутатларнинг Олий Мажлис кўп қиррали фаолиятидаги иштироки, ташаббускорлиги нималардан иборат бўлди? Ва улар шахс ва фуқаро сифатида, раҳбар сифатида Парламент фаолиятидан нималар олдилар? Мухбиримизнинг ушбу саволларига 148-Денов сайло округидан республика Олий Мажлисига депутат Комилжон САПИЕВ жавоб беради:

ҚУТЛУФ ҚАДАМЛАР

— Парламент — давлат сиёсатини халқ, хар бир фуқаро манфаати билан боғлайдиган, айни пайтда бу манфаатни давлат сиёсати даражасида улғутадиган нуфузли минбар. Амир Темур бобомизнинг эл-юртларни аҳдлик ипига бириштириши, фақат адолатга суяниб иш тутишдек давлатчилик сиёсати андоза қилиб олинган мустақил мамлакатимизда Олий Мажлиснинг ортинга эҳтиросларга берилмасдан, бир-бирини тўғри тушуниб ишлашига замин, асос яратилганини таъкидламоқчиман.

Бундан депутатлар осонгина фаолият кўрсатибдилар-да, деган маънони англамаслик керак. Шу беш йил мобайнида қабул қилинган қўлбал Қонун ва Кодекслар орқали ҳуқуқий давлатчиликнинг пойдевори ўрнатилди. Ва бу катта илмий-ижодий меҳнат эвазига вуқудга келди. Менинг 70 минг нафар сайловчим бор. Улар Олий Мажлис кўриб чиқайтган ва қабул қилган ҳужжатлар ҳақида гоҳида мени шошириб қўйдиган саволларни бериб қолшади. Ҳатто улар эътирознома гапларини ҳам айтишади.

Бу эътирозларни ҳам эшитиб фойдаландим. Бизни лойиҳалар устида пухтароқ ишлашга ўргатди. Айрим Қонун лойиҳаларида йўл қўйилган бир томонламаларнинг вақтида тушуниб, тегишли тузатишлар киритганимизга ундади. Умуман, фракциялардаги ҳамма қўлбаллардаги ўзаро фикр алмашувлар, муҳокамалар, қолаверса, хар бир сўз устида юз-хотирчилик қилмасдан бош қотиришлар тигиз бир пайтда Қонун лойиҳаларини пухта ва шиққ ишлаб чиқишимизни таъминлади.

Яна бир гап. XV сессиямизни қаҳририш ҳақида Олий Мажлиснинг Қарори қабул қилингандан сўнг биз кўп ўтмай, сессия кун тартибига киритилиши мўъжизаланган масалаларга оид ҳужжатлар пакетини қўлимизга олдик. Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, лойиҳаларни мен тегишли идораларнинг раҳбарларига, мутахассисларга ёки маълум соҳаларда ишловчи оддий сайловчиларга тақдим этаман. Уқинг, ўрганг, фикр ва тақлифларингизни беринг, дейман. Ва билдирилган тақлифларни жамлаб, Олий Мажлисга етказаман. Навбатдаги сессияда, масалан, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида» ва «Суд ижрочилари тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари қабул қили-

ниши кўзда тутилмоқда. Кўриниб турибдики, ушбу лойиҳалар гоят муҳим. Хўжалик субъектларидан тортиб бутун фуқаролар учун долзарб. Биз нима қиламиз? Имконият даражасида шу лойиҳаларнинг аҳамиятини сайловчиларга етказамиз. Уларни ҳуқуқий саводхонликка қорлаймиш. Давлат ишига аралашувига кўприк қўямиз.

Фақат шунгина эмас. Ўтган беш йил давомида мен Қонунларимизнинг ҳужжатли жамияти қуришдаги роли, аҳамиятини чуқурроқ англадим. Айтишим мумкинки, одамларнинг ҳам қонунларга саводхонлик билан илҳолди ёндашуви учун тарғиботчи бўлдим.

Парламентимиз ўз фаолиятини жаҳондаги энг илгор парламентлар иши андозаларига мослаб юртга билди, десам, гоҳ ҳақиқатни айтган бўлсам, Харқалай ёш, мустақил мамлакатимизнинг Олий Мажлиси чиниқди. Катта тажриба тўпладим. Ва бундан бундан яна самаралироқ ишлашга катта замин яратди. Бунга шахсан ўзим ҳам яхши ҳис этиб туришман. «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги Қонун асли депутатнинг одамлар билан, ҳаёт билан янада яқинроқ бўлишини, одамларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўласинча Қонун ҳимоясига ола билишини тақозо этади.

Олий Мажлис депутати мандати мени одамларни ўрганишга, улар билан бақамат бўлиб ишлашга ўргатди. Зеро, ҳаёт ранг-баранг. Жамиятда хар бир инсоннинг ўзи бир дунё. Жамиятнинг кучли, фаровон, келажига буюк, ширин бўлиши шу одамларнинг аҳлиши, иттифоқлиги, ўзаро иззат-ҳурматида боғлиқ. Бунинг учун ягона йўл бор — адолат. Адолатли Қонунлар.

Хар қадамда, хар нафасда биз Конституциямизга, Қонунларимизга таяниб, юзма-юз бўлиб яшаймиш. Одамларимиз Қонунларни ўрганишга қизиқиб бошладилар. Демак, тўғрили билан эришганимиз равшанроқ фарқлашга иштимоқдалар. Демак, Ватан, рўзгор, оила деган муқаддас тушунчаларни ҳам равшанроқ тушуниб бормоқдалар.

Бу — саккиз йиллик Мустақиллик бустониди биз қурган ва англаган энг катта ютуғимиздир. Бу ўз навбатида Олий Мажлисимиз хизматининг меъваси.

Сўхбатни «Халқ сўзи» муҳбири Олимжон УСАНОВ ёзиб олди.

Муносабат

Омон МУХТОР

ТОШ ШАҲАР

Йўлагилда ишса синиклари кўп, оёқ босиб кўйиб эди. Кўчага чиққанимдан кейин, бинога бурилиб қардим. Олда ва ён томондаги бир неча ойналар синиб-тўқилган, уларнинг ўрни туйнук бўлиб, қорайиб қолган эди. Осмонда юзлаб варрак учмоқда. Булар мўмурий бинолардан бирининг ойнасидан «чиқиб» чиққан қоғозлар эди. Кўчада одамлар тўпланган. Мен билан ўттиз уч йил бурун, зилзила қунари тошкентликлар шундай бинолардан чиқиб, эшикка туришганини эсладим. Бир ҳолатни ҳам сездим. Ушундай бўлганидек, одамлар ўйчан ва оёсийишта эди! Мен Тошкент — Қўрғон, Тошшаҳар, уни ҳеч қим маҳв этолмайдим, бу кунга бало-офат ҳам ўтгани, деб ўйладим. Ишондим. Шу тахит 16 февраль воқеалари менинг ҳам ҳаётимга кирди. Февраль воқеалари бизни

юртимиз — Ўз уйимиздаги шароит, яшаш тарзи тўғрисида чуқурроқ ўйлашга ўргатади. Яна кўп нарсаларни англашга ундади. Фикрингизни жамлаб, мана бу манзарани тасаввур қилинг. Асрлар буйи топталган, хўрланган, руҳиятида қуллик асорати сақланиб келган бир Мамлакат, ниҳоят, Мустақилликка эришти. Янги, Кенг Йўлга қадам босди... Қамчиқ доғидан ўтиб қаранг! Худо ҳақки, бу Мамлакатнинг Келажакки Буоқлигида Сизла гумон қолмайди! Озгина вақт ичида Мамлакат қиёфаси-ю, Одамлар тафаккурида шундай ўзгаришлар рўй бердики... Лекин дунёда ҳар бир Янги босилган Қалам Янги Муаммоларни келтириб чиқарган экан! Инсон қисмати шу. Ҳаёсда йўқ муаммолар кундан-кун бизнинг қаршимизда қўндаланг бўлади. Бунинг устига, тўғон кўтарилиб, тоза сув билан бир-

га, атрофдан лойқа сув ҳам оқиб келди. Кино дейсизми, театрми, кутубхонами — одамлар бормай қўйгани ёки кам бораётгани, умуман, китоб ва матбуот ишидаги маълум танглик тўғрисида жаҳолат бироқ қуяйгани кўзга ташланади. Аслида, бу февраль воқеаларидан олдинроқ сезила бошлаган эди. Мала-ният, маориф, бунун маънавияти бодиди иш қуяйрилмас, мураккаблик туғилмаверди. Ўзгариш келди, пайтлар бекорчи ёшлар ҳар ер-ҳар ерда тўпаниб туришганини кўриш мумкин. Ешларни меҳнатга жалб этиш, уларга ёрдам бериш керак. Муаммо кўп! Яширишнинг ҳақми йўқ, Яширган билан ўра қолмавди. Ҳўп. Катта ишларни амалга ошириш, муаммоларни ечиш учун, энг аввало, хотиржамлик, оёсийишталик талаб қилинади! Ким қайси томондан қарамасин, кўпурвучлик, беғуноҳ одамлар қони тўкилиши, қулфатдан халқнинг боши қўйилишини ҳеч қандай оқлаб бўлмайди! Қунда ёки кунора қоса синдирадиган ойнани халқимиз ҳеч қачон суймаган! Мамлакат тинчлиги — буюк неъмат! Биз сертак туриб, уни қўлдан чиқармасликка маъшумимиз... Кечаги кунлар ва бу кунги шу кайфият ҳақида бир ҳикоя эдим. Уни диққатингизга ҳавола қилмоқчиман.

УЧҚУНДАН АСРАГИН, ХУДОЙИМ

лари Нақшбанд (Балогардон) мақбаралари олдиди, масжид қаршидада жойлашган кичик бир ҳовлида маълум мулдаг яшаш насиб этган. Қобулган ҳамон бориб тураман. Жондорга ҳам бориб, Аҳён-аҳён. Пайшанбага эса йўлим тўшмаган. Самарқандни айланганимдан, я қ и н и д а н ўтганман, холос. Негадир шундай бўлган. Йиллар давомида юртимдаги барча қишлоқларни УЗИМНИКИ, деб келдим. Улар — меники. Лекин менинг аниқ УЗ ҚИШЛОГИМ йўқ! — Бегона жой, — дедим уйланиб, ҳамроҳимга. — Демак, меҳмонга. — Эй-й... Қишлоққа нега келтиганини керак! Ҳ э м э б о н, 5 меҳмон деган гапдан бўлак нарсаси бўлган. Ҳамроҳим ҳамроҳимга бундан дардимни дoston қилмаманми? Кўп гап — эшикка юк. — Иш билан! — Умуман... топган ҳамроҳим қизик экан. Бошини кўтариб, бир офтобга бурилиб, бир мента тикилди. Утирсам, утиради. Турсам,

туриди. Эргашади. Менинг тинчимни ўйриб, йўл буйи алламбалоларни суриштиради. Бундан уч-тўрт кун бурун қўлда эдим, ёнимдан ўт чириш машинаси чинқириб ўтиб кетди. Сал юрганимдан кейин, ёниб ётган ўтга қўзим тушди. Қамқир йўл устидаги ҳазонинг ёққан, шамолда кўтарилган уч-кун очик дара-кун очик дара-задан уйга кўчиб, ёнинг рўй берган экан... Шу кун «Учқундан аланга чиқди!» деган бир гапни эсладим ва у ҳаёлимга ўрнашди-қолди. Аслида, бу гап ёшлиқдан ҳам ҳаёлимда эди; биз ўша пайтдан гўёки оташпараста айлана бошлаган эдик. Гулхан, аланга бизнинг қонимизда ҳавас уйғотарди! Қаерлардир, нималардир ёниши биз учун заруратдек, бизнинг бахтимиз нишонасидек эди! Бизга, ажабки, учқун — умид бўлиб туюлар эди! «Учқундан аланга чиқди!» — мен бу гапни сўнги йилларда шунчаки унутга бошлаган эдим. Мана, энди мента у қайтиб, чиппа ёпишиб олганди! Қаерлардир шундай бир ёзуви ҳам кўрган эдим; қаерда эди, деб эслашга уриндим. Мента таниши бир қишлоқдами, нота-

ниш қишлоқдами? Ахир, шашар эгитилган қишлоқ, оқ бир бино кўз ўнгимда жонланди. Ана, бугун мен шу қишлоққа қараб бормоқда эдим. У ерда ҳозир ҳам у ёзув турбидими-йўқми? — билма-юқимиз қўнглим таскин топмайди-қандек эди. Мен бунини аниқлашнинг шарт. Чунки шу кунлар «Илоийим, тинчлик бўлсин, бирон ерда яна ўт чиқмасин, илоийим», деб юрак ҳовчлаб юрган пайтим эди! Йўлда кетаётган, мента савол бериб чарчаган ҳамроҳим: — Учқундан аланга чиқди! — деб пичирлади. Мен аҳамият бермадим. У алан ва бироз дағдага билан. Учқундан аланга чиқди! — деди. Мен бу гап ҳам индамадим. Ёнаётган уй — бировларнинг уйи қуйгани ҳаёлимни банд этган эди. Қишлоққа етганда пайқадим: хайрият, оқ бино девориди ёзув олиб ташланган экан! Қизғин иморат — масжид эди. Шу томон йўналдим. Масжид айвонига кўтарилаётганимда, ҳамроҳим мендан узилиб қолди! Ичкари кирдим. Чўқим. Девордан олиб ташланган ёзув — менинг ҳаёлимда ҳам БЎЛМАСЛИГИ керак...



ҲОМИЙЛАР ТАШАББУСИ

Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси қошидаги шифохонанинг Шахрисабз бўлими Чирқочи, Яққабоб, Шахрисабз ва Китоб туманларидаги ҳужжатли муҳофаза қилиш иборатларида хизмат қилаётган 2264 нафар ходим ва уларнинг оила аъзоларига тиббий хизмат кўрсатади. Шифо масканини вилоят ички ишлар бошқармасига қарашли Шахрисабз туманларари имтиҳон қабул қилиш ва автотранспортларни рўйхатга олиш ДАН бўлими ўз ҳамийлигига олган. Бу ерда доволлаш ишлари амбулатория усулида олиб борилади. Очиги, ақин-ақинга-ча шифохонадаги шарт-шароитлар ҳам ҳаминқадар бўлиб, музқоқ тиббий хизматни йўлга қўйиш учун ҳо-налар еттишмади. Аммо келинган пайтларда бундай муаммоларга ҳоҳам берилади. Турироғи, ҳимий идора раҳбари Ора Ерматовнинг бевосита ташаббуси билан маъ-жуд био қайта тавмирланди. Утган йили эса хашар йўли билан лаборатория, тиш доволлаш, ортопедия, тиш қўйиш, микробиология тиш бўлимларига мўлжалланган саккизта хонадан иборат қўшма био ҳам қурилиб, ишга туширилди. — Ҳомийларимизнинг бундай ёрдамлари тўғрисида биз кўрсатаётган тиббий хизмат сифати ҳам анча яхшиланди, — деди биш врач Абдуманнон Муҳиддинов. — Дори-дармон тавминоти ма-салаида ҳам муаммолар йўқ. Қўшма бинонинг ишга ту-тирилиши натижасида бар-ча ходимларимиз ишам ва кенг хоналарда, замонавий асбоб-ускуналар воситасида беморларга тиббий хизмат кўрсатишмоқда. Шифохона асосан ҳужжатли муҳофаза қилиш идоралари ходимларига тиббий хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлса-да, лекин ҳимий идора мутасаддилари ташаббуси билан Шахрисабз шаҳридаги кам тавмирланган олтинта оишани ҳам ўз омилига ол-ган. Шифокорлар ана шу хо-надонлар вакилларининг ҳам саломатликларини кўздан ке-чириб, зарур ҳолларда уларни беминнат тиббий муолажа қилишмоқда. Бу ерда улар учун махсус жағғарма ти-ши этиш ҳам режалашти-рилмоқда.

Бухоро вилоятида беш кун давом этган ўзбек миллий фильмлари иккинчи кинофестивали ниҳоясига етди. Киноанжуман давомида «Отмдан қолган далалар», «Севги», «Воиз», «Елғиз-ёлғорим», «Кичкина табиб», «Тилсимой - гарбий қизалоқ» бадий фильмлари, қўплаб ҳужжатли, мультимедиа ва қисқа метражли фильмлар мухлислар эътиборига ҳавола этилди. Фестивал ниҳоясида «Энг яхши аёл роли учун», «Энг яхши ҳужжатли фильм учун», «Энг яхши оператор», «Энг яхши сценарий муаллифи», «Энг яхши қисқа метражли фильм учун» танловини гойиблари аниқланди. «Отмдан

қолган далалар» бадий фильмини суратга олишга бош-қош бўлган таниқли режиссёр Ш.Аббосов фести-валнинг олий соврини «Гран При» - «Ҳумо қўши» мукофотиға сазовор бўлди. Фестивалнинг яна бир махсус соврини - «Ўзбек миллий киносини ривож-лантиришга катта ҳисса қўшгани учун» мукофоти эл севган отахон актёр З.Мухаммаджоновга топширилди. Ўзбек миллий фильмлари иккин-чи фестивали ёпилиб маросими-да вилоят ҳокими С.Хусенов сўзга чиқди. Илҳом САФАР, ҲАА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING ДАВЛАТ ПАТЕНТ ИДОРАСИ 1999 йилга қуйидаги: «Ихтимой ва иқтисодий тармоқларда бошқарув» (техник фанлар) мутахассислиги юзасидан кундузги аспирантурага қабул қилиш тўғрисида эълон қилади.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 700047, Тошкент ш., «Тўйтепа» (собиқ Ю. Фучик) кўчаси, 2/«А»-уй. Телефон: 136-00-88, факс: 133-45-56.

«Ўзавтотранс» агентлиги томонидан «Ўз-Евро-Азия-Транс» давлат кичик корхонасига қараш-ли КамАЗ-5320 русумли, давлат белгиси М 4011 НА бўлган автомобилга халқаро юк ташини ҳуқуқи учун берилган АТ: №0010164 рақамли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. Мудалиф олган сурат.

ТУН — Кундузнинг «МЕХМОН»И...

Куёш тутилиши — Куёшнинг Ой билан тўтилиши тўғрисида юз берадиган ҳодиса бўлиб, у Ер шарининг ҳамма ҳудудига кўринмайди: Ой сояси сайёранинг қайси қисмига тўшаётган бўлса, уша минтақанинг аҳолисиғина бу ҳодисани кўриш имконига эга бўлади. Гап шундаки, Ер сиртига тўшаётган Ой сояси икки қисмдан иборат бўлиб, унинг марказий доира қисми — соя, сояни урочи катта радиуси қисми эса ярим соя, дейилади. Куёш ва Ойнинг ҳаракатлари қадим-қадимдан ўрганиб келинади. Қўлэзма манбаларидан маълум бўлишича, эраимиздан 2-3 минг йиллар илгари хитойлик астрономлар Куёш тутилиши-нинг сабабларини билган ҳолда, унинг наватбадгаи тутилиши муддатини ҳам тахминан айта олганлар. Бугунги кунда эса астрономлар 2500 йилгача кузатила-

диган Куёш ва Ой тутилишларининг аниқ жадвалларини ҳам тузиб қўйиш-ган. Республикадаги наватбадгаи Куёш тутилиши 2006 йилда рўй беради. Мамлакатимиз ҳудудига бугунги Куёш тутилиши қандай кечад? Ой соясининг тасмаси жанубий чегарала-римиздан 2 минг километр узоқликда ўтганлиги сабабли, бизда Куёш тўла тутилмайди. Аммо барча вилоятлар Ойнинг ярим сояли қўнқаси ичида қолади. Хуеусан, Термиз аҳолиси Ой билан Куёшнинг 0,747 қисми бекили-шининг гувоҳи бўлади. Бу ҳодиса соат 17 дан 07 минг ўтганда рўй беради. Тошкентда Куёш тутилиши соат 17 дан 57 минг ўтганда бошланиб, роппа-роса соат 18.00 да тугайди. Мухаммадмусо МАМАДАЗИМОВ, физика-математика фанлари номзоди, астроном.

диган Куёш ва Ой тутилишларининг аниқ жадвалларини ҳам тузиб қўйиш-ган. Республикадаги наватбадгаи Куёш тутилиши 2006 йилда рўй беради. Мамлакатимиз ҳудудига бугунги Куёш тутилиши қандай кечад? Ой соясининг тасмаси жанубий чегарала-римиздан 2 минг километр узоқликда ўтганлиги сабабли, бизда Куёш тўла тутилмайди. Аммо барча вилоятлар Ойнинг ярим сояли қўнқаси ичида қолади. Хуеусан, Термиз аҳолиси Ой билан Куёшнинг 0,747 қисми бекили-шининг гувоҳи бўлади. Бу ҳодиса соат 17 дан 07 минг ўтганда рўй беради. Тошкентда Куёш тутилиши соат 17 дан 57 минг ўтганда бошланиб, роппа-роса соат 18.00 да тугайди.

SAMSUNG ELECTRONICS ТАШКИЛОТ «Ўзасамсунгэлектроникс» да ишлаб чиқарилган диаметри 37 дан 76 см. гача бўлган 6 турдаги ТЕЛЕВИЗОРЛАР: ER 250 RF ER 461 RF маркали КАССА АППАРАТЛАРИ: VK 5513—1300 V, VK 80-15 — 1500 V маркали 2 турдаги ЧАНГ ЮПИЧЛАРИНИ КЎПВОР-ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ дун ва (ванна) учун сув иситиш ГЕЙЗЕРЛАРИ (Корея маҳсулоти) «COWAY» сув тозалаш ФИЛЬТРАРИ. СОГАЛИ. Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Ганьян кўчаси - 38, «А»-13. Тел.: 55-38-75, 180-41-54, пейд (088) 2617.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ 1999 йил учун АСПИРАНТУРА ва ДОКТОРАНТУРА қабул эълон қилади. АСПИРАНТУРАГА - ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда «Макроиктисодиёт» \ агросаноат мажмуида \ «Микроиктисодиёт» \ агросаноат мажмуида \ ихтисосликлари бўйича ДОКТОРАНТУРАГА - ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда «Макроиктисодиёт» \ агросаноат мажмуида \ «Микроиктисодиёт» \ агросаноат мажмуида \ ихтисосликлари бўйича Ҳужжатлар 1 октябрғача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700097, Тошкент шаҳри, Халқлар Дустилиги кўчаси, 28, 2-қават, 5-хона. Тел.: 76-86-44, 76-86-00, 117-50-16.

АМЕРИКА КОНДИЦИОНЕРЛАРИ York 1999 йилнинг охириги модели ДЕВОРЛАРГА ВА ДЕРАЗЛАРГА ўРНАТИЛАДИГАН МИНИСПЛИТ Автоматик бошқарилади Конденсат учун насос Таймер Ҳаво оқимини автоматик ўзгартириш Тел.: 130-55-33, 130-33-77.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси Халқаро иқтисодий ташкилотлар бошқармаси бошлиғи И. Назарова волидаи муҳтарамаси МАСУДА НАЗАРОВАнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия иҳдор этиди.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси энергетика фахрийи, «Электрқишлоққурилиш» ОТАЖ бошқаруви раисининг ўринбосари У. Назаровага раификаси МАСУДА НАЗАРОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия иҳдор этиди.

Ўзбекистон Республикаси Азия вазирлиги жамоаси вазирининг биринчи ўринбосари лавозимда ишлаган Сафар НАЗАРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия иҳдор этиди.

Тошкент шаҳар 1-юқумли қасалликлар клиник шифохонаси жамоаси собиқ бош шифокор, уруш қатнашчиси Музал ҲОШИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

«Омонат Ҳимоя» су-гурта жағғармасининг жамоаси масъул ходим Камолдон Исохоновага ўли АКРОМХУЖАЙнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чу-қур ҳамдардик билди-ради. Бойбўри АБДУЛҲАКИМОВнинг вафоти муносабати билан чу-қур таъзия билдиради.

«Ўзқишлоқхўжаликмаши-холдинг» компанияси жамоа-си Сурхондарё вилоят сав-до-сервис марказининг ди-ректори Жонбўри Абдулҳа-кимовга акиси Бойбўри АБДУЛҲАКИМОВнинг вафоти муносабати билан чу-қур таъзия билдиради.

«ЖАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО» МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ Тахрир хайъати: М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), А. ЖАББОРОВ, С. ЗАНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»), Л. ПАК, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, Ҳ. ҲОШИМОВ. БЎЛИМЛАР: Ихтимой-сий ҳаёт — 133-57-34; Ҳуқуқ — 136-07-94; Иқтисодий — 136-36-65; Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85; Мағнавий ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65; Халқлар — 136-29-89, 133-07-48; Фан, соляқик сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртма Г — 0640, 23709 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Газета PENTIUM-II компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди. Навбатчи котиб — А. ОРНПОВ. Навбатчи муҳаррир — И. СУЛАЙМОНОВ. Навбатчи — А. ЖҲРАЕВ. Мусоҳаҳ — А. ЭШҚУЛОВ. МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Тахриратда ҳажми 5 қоғоздан зинд материаллар қабул қилинмайди. «Шарқ» нашриёт-масбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 21.00 1 2 3 4 5 6